

ШАРТНОМА

2022 йил 20 " Феврал

1498 - сонли

Фарғона шаҳри

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Фарғона вилояти Қўриқлаш бошқармаси номидан Низом асосида фаолият юритувчи Бошқарма бошлиғи Б.И.Мирзакамоллов (кейинги ўринларда "Ижрочи" деб юритилади), бир томондан Низом асосида фаолият юритувчи Бувайда тумани Тиббиёт бирлашмаси бошлиғи Б.М.Мамажонов (кейинги ўринларда "Буюртмачи" деб юритилади), иккинчи томондан, биргаликда "Томонлар" деб юритилади, мазкур Шартномани қуйидагилар ҳақида туздилар:

1-боб. Шартноманинг предмети

1. "Ижрочи" Миллий гвардия қўриқлаш хизмати қоровуллик қўриқлаш кўринишида техник қўриқлаш марказидан (кейинги ўринларда ТҚМ) фойдаланган ҳолда Буюртмачининг кириш-чиқиш эшиги олдида ишчи хизматчилар ва хизмат автотранспорт воситаларини ва фуқароларни кириб чиқишини назорат қилиш қўриқлаш хизматини кўрсатиш мажбуриятини, Буюртмачи эса мазкур шартнома шартларига асосан ўз вақтида кўрсатилган хизмат учун тўловларни амалга ошириш мажбуриятини олади.

2-боб. Умумий шартлар

2. "Буюртмачи" Бувайда тумани Келажак кўчаси 103-уйда жойлашган Бувайда тумани Тиббиёт бирлашмасига қарашли марказий шифохонаси худудига ишчи-хизматчи ва келиб-кетувчи фуқароларни кириш-чиқишини назорат қилиш учун 1 та 16 соатлик (соат 08:00дан соат 24:00 га қадар) қоровул пости ташкил этилиб Ижрочига топширади. Ижрочи Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Фарғона вилояти Қўриқлаш бошқармаси 3-Алоҳида отряд ходимлари ва ТҚП томонидан қўриққа олади.

3. Объектнинг қўриқлаш чегаралари (иморатлар, қурилмалари), постларининг (йўналишлари) жойлашуви чизма-режада кўрсатилади ва мазкур Шартномага илова қилинади ҳамда унинг ажралмас қисми ҳисобланади.

4. Объектдаги кириш-чиқиш, ички объект режими Буюртмачи томонидан тасдиқланадиган кириш-чиқиш ва ички объект режимини ташкил этиш йўриқномасига мувофиқ амалга оширилади ҳамда мазкур Шартномага илова қилиниб, унинг ажралмас қисми ҳисобланади.

5. Объектни техник қўриқлаш воситалари билан жиҳозлаш ва таъмирлаш Буюртмачи томонидан амалга оширилади, техник қўриқлаш воситалари Ижрочининг айби билан ишдан чиққан ҳоллар бундан мустасно. Объектни ёнғиндан қўриқлаш ва хавф-хатар сигнализацияси билан жиҳозлаш чизмаси мазкур Шартномага илова қилинади ҳамда унинг ажралмас қисми ҳисобланади.

6. Объектни қўриқлашда Буюртмачи билан келишилган ҳолда қоровул итларидан фойдаланиш мумкин.

7. Мазкур шартнома кучга кирган кундан бошлаб, объектда 3 иш куни ичида Миллий гвардия хизмати қўриқлаш тури йўлга қўйилади. Объектда қоровуллик қўриқлаш тури ва харбийлаштирилган қўриқлаш объектга 3 кунига иш куни ичида йўлга қўйилади.

8. Буюртмачи кўздан кечириш далолатномасида кўрсатилган талабларни бажармаганда Ижрочи қўйилмайди, қўйилган Ижрочи эса чақириб олинади.

3-боб. Тўловларни амалга ошириш

9. Мазкур Шартнома асосида кўрсатиладиган хизматлар нархи белгиланган тарифларга мос ҳолда қуйидагича ҳисобланади:

8123976
3 ойга 24371928 (ичкирол турт миллион ўз қўғалиш бор сан) сўм,
сўм.

Ўзаро тасдиқланган смета ҳисоби ушбу шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланади.

Ижрочи хизматлари учун тўловларга қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳолларда ўзгартиришлар киритишига ҳақлидир ва Буюртмачи тўловларни Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Миллий гвардия Қўмондони томонидан тасдиқланган тарифлари асосида тасдиқланган кундан бошлаб тўловларни амалга ошириши шарт.

10. Ижрочи хизматлари учун тўловларга ўзгартиришлар киритиш қонун ҳужжатларига мувофиқ ушбу хизматлар турига янги тарифлар тасдиқланган ҳолларда қайта кўриб чиқилади.

11. Буюртмачи мазкур Шартнома имзоланган кундан бошлаб, _____ кун ичида мазкур Шартнома баҳосининг 15 фоизи миқдорида тўловини амалга оширади.

Ижрочи томонидан Буюртмачига бажарилган ишлар тўғрисида далолатнома тақдим қилингандан сўнг Буюртмачи беш кун ичида аванс тўловини чиқариб ташлаган ҳолда ойлик тўловни амалга оширади.

Буюртмачи бюджет ташкилоти ёки бюджет маблағлари олувчи бўлса, ойлик тўловнинг 100 фоизи миқдорида аванс тўловини кейинги ой бошланишидан 10 кун олдин амалга оширади.

12. Хўжалик юритувчи объект ҳисобланган Буюртмачи мазкур Шартноманинг 11-бандида кўрсатилган ойлик тўловни (аванс тўловни) ўз вақтида тўламаса, Ижрочи Буюртмачига акцептсиз тўлов талабномасини тақдим қилишга ҳақлидир.

Мазкур Шартнома бекор қилинган ҳолларда Ижрочи Буюртмачи билан тўланган тўловлар бўйича қайта ҳисоб-китобни амалга ошириши зарур.

4-боб. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

13. Буюртмачи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Ижрочидан белгиланган кўриқлаш тартибига риоя этишни талаб қилиш;
хизмат кўрсатиш жараёнида Ижрочининг ходимлари томонидан интизомни бузиш ҳолатларини тўхтатиш ва йўл қўйилган камчиликларни бартараф қилиш бўйича керакли чоралар кўрилишини Ижрочидан талаб қилиш;

Ижрочининг хизматни ташкил қилиши ва амалга оширишини, кўриқлаш турларига мос бўлган кийим-бош, кийим-бош анжомлари (экипировкаси), курол-аслаҳаларининг мавжудлигини назорат қилиш;

Ижрочи томонидан мазкур Шартнома шартлари бузилишининг ҳар бир ҳолати бўйича Ижрочининг вакили иштирокида икки нусхада далолатнома тузиш;

Ижрочининг айби билан йўл қўйилган камчиликлар аниқланган тақдирда Ижрочидан уларни бартараф этишни талаб қилиш;

Ижрочи томонидан мазкур Шартнома талаблари бажарилмаган ёки лозим даражада бажарилмаганлиги натижасида етказилган зарарни ундириш.

14. Буюртмачининг мажбуриятлари:

Мазкур Шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланган 2019 йил "24" Ноябр даги кўздан кечириш далолатномасига асосан, кўриқлашга топшириладиган объектни алоҳида хоналарни техник мустаҳкамлаш бўйича тадбирларни бажариш, ўз ҳисобидан техник кўриқлаш воситалари (объектнинг турига қараб пост қурилмалари ва уни иситиш ускуналари, постлараро алоқа, ички ва шаҳар телефонлари, ёнғиндан-кўриқлаш сигнализацияси, объект периметри бўйлаб керакли ёритиш воситалари, кулфлар, турникет, кузатиш майдончаси, шахсий текшириш хоналари, ишчи ва хизматчиларнинг шахсий буюмларини сақлаш хоналари, ёнғиндан ўчирувчи воситалар ва бошқалар) билан жиҳозлаш ва зарур ҳолларда уларни таъмирлаш;

ҳар қандай моддий қимматликларни объект худудининг девор тўсиғидан 15 метр узоқликда (объект жойлашувини ҳисобга олган ҳолда) жойлаштириш;

Ижрочи билан биргаликда ҳар чоракда камида бир марта объектнинг техник мустаҳамлигини, кўриқлашнинг техник воситалари билан таъминланганини, шу жумладан

ёнғиндан кўриқлаш сигнализацияси ҳолатини текшириш кўригини ўтказиш, аниқланган камчиликларни бартараф этиш муддатлари, Ижрочини бу ҳақда хабардор қилиш муддати ва тартибини кўрсатган ҳолда Томонларнинг вакиллари иштирокида далолатнома тузиш;

белгиланган кўриқлаш режими талабларини бажариш ва техник кўриқлаш воситаларининг тегишли ҳолатини таъминлаш;

бинода режалаштирилаётган капитал таъмирлаш ишлари, объектларни қайта жиҳозлаш, иш режимини ва ишлар профилини ўзгартириш, моддий қимматликларни сақлаш жойини ўзгартириш ва янгиларини очиш, объект ёки унинг бир қисмини бошқа шахсларга ижарага бериш ёки мулк ҳуқуқини ўтказиш, кўриқлаш турини, постлар дислокациясини ўзгартириш ёки кўшимча кўриқлаш сигнализацияси воситаларини ўрнатиш бўйича тадбирларнинг ўтказилиши ҳақида Ижрочини бундай ишларнинг бошланишидан камида 10 кун олдин огоҳлантириш;

объектда иш куни якунида кўриқлаш сигнализациясини ёқиш, унинг носозлиги ҳолатида бу ҳақда Ижрочини огоҳлантириш ва носозлик бартараф этилмагунга қадар объектни ташлаб кетмаслик ва белгиланган тартибда кўриқлашга топшириш. Объектни кўриқлашга топширганлик ҳақида ТҚПни хабардор қилиб, 5 дақиқадан сўнг объектнинг кўриқлашга қабул қилинганлиги ҳақида ишонч ҳосил қилиш;

объектни, ёнғиндан кўриқлаш сигнализацияси билан жиҳозланган ҳар бир алоҳида хонани кундалик кўриқлашга топшириш, эшиклар қулфи, деразалар, дарчалар, люклар, вентеляция тешиклари ёпилганлигини ҳамда автоном кўриқлаш сигнализациясини ва худуднинг ёритилиш ҳолатини текшириш, кўриқланадиган биноларда электр жиҳозларнинг, бошқа ёнғин манбаларининг ёқилган ҳолда қолиб кетишининг олдини олиш бегона шахсларнинг объектда қолишига йўл қўймаслик;

кўриқланаётган худудда бинодан ташқарида жойлашган моддий қимматликларнинг миқдори, ассортименти, ўралган ёки қадоқланган ҳолатда қайта ҳисоб-китоб асосида қабул қилиш-топшириш журналида рўйхатдан ўтказган ҳолда ҳамда Ижрочи ва Буюртмачи вакиллари томонидан имзоланган ҳолда кўриқлашга топшириш;

махсус журналда ўз вакили томонидан имзо қўйиш йўли билан объектларни, алоҳида хоналарни кўриқлашга топшириш, кўриқлаш тугагандан сўнг кўриқлашдан чиқариш;

кўриқланадиган хоналарнинг бутлиги бузилганлиги ҳақида ёки объектга бегона шахсларнинг кириши натижасида зарар етказилганлиги аломатлари мавжуд бўлганда зудлик билан Ижрочини хабардор қилиш ва объектга Ижрочи вакили етиб келгунига қадар кўрсатилган жойларнинг даҳлсизлигини таъминлаш;

бегона шахсларга кўриқлаш ва сигнализация тамойиллари ва тизимини, шунингдек берилган пулт рақамларини ошкор қилмаслик;

Ижрочи вакиллари объектдаги ички тартиб ва техника хавфсизлиги қоидалари билан уларнинг ўз вазифаларини бажаришига оид қисми билан таништириш;

15. Ижрочининг ҳуқуқлари:

Буюртмачидан объектда ўрнатилган кириш-чиқиш ва ички тартибга риоя қилинишини талаб қилиш;

мазкур шартномани тузиш, бажариш, ўзгартириш ва бекор қилиш муносабати билан зарур бўлган маълумотномалар ва бошқа ҳужжатларни сўраш ва олиш;

кўздан кечириш далолатномасида кўрсатилган кўриқлаш-техника воситаларини жорий қилиш бўйича Буюртмачига тавсиялар бериш.

16. Ижрочининг мажбуриятлари:

объектда постлар дислокациясига (патрул йўналишига) мувофиқ кўриқлаш нарядини жорий этиш;

мазкур Шартномада ва унинг иловаларига мувофиқ объектни ҳамда кўриқлашга топширилган моддий қимматликларни кўриқлашни ташкил этиш ва таъминлаш;

кўриқланаётган худуддаги, лекин бинодан ташқарида жойлашган моддий қимматликларнинг миқдори, ассортименти, ўралган ёки қадоқланган ҳолатини текшириб, қайта ҳисоб-китоб асосида қабул қилиш-топшириш журналида рўйхатдан ўтказган ҳолда ҳамда Ижрочи ва Буюртмачи вакиллари томонидан имзоланган ҳолда қабул қилиб олиш;

объектда кириш-чиқиш ва объект ички тартибига риоя этиш, объект худудига белгиланган тартибда моддий қимматликлар олиб кирилиши ва чиқилишини назорат қилиш;

пропуск режими мавжуд бўлган объектларда кун давомида назоратдан ўтказиш пунктидан бир марталик кириш рухсатномаси билан объектга киритилган ташриф буюрувчиларнинг чиқиб кетишини таъминлаш;

объектни қўриқлаш вақтида жойдаги ёнғин хавфсизлиги қоидаларининг бажарилишини таъминлаш;

объектда ёнғин чиқиши ёки ёнғиндан қўриқлаш сигнализациясининг ишлаб кетиши ҳолатида зудлик билан ёнғин бўлимига ёки Буюртмачига хабар бериш;

объектга бегона шахсларнинг кириб кетганлиги аниқланганда зудлик билан Буюртмачининг вакилини чақириш ва объектнинг дахлсизлигини таъминлаш;

ёнғиндан қўриқлаш сигнализацияси ишлаб кетган ҳолатларда сигнализациянинг ишлаб кетиш сабабларини аниқлаш ва объектни қайта топшириш учун Буюртмачи вакилини чақиртириш, текшириш натижалари ва объектни қайта топшириш бўйича икки нусхада далолатнома тузиш;

Ижрочининг ходимлари томонидан хизматни ташкил қилиш ва амалга ошириш, қўриқлаш турларига мос бўлган кийим-бош, кийим-бош анжомлари (экипировкаси), курол-аслаҳаларининг мавжудлигини таъминлаш;

объектни қўриқлашга қабул қилганда ва топширганда объектдаги техник мустаҳамлик бўйича ва қўриқлашнинг техник воситалари билан боғлиқ аниқланган барча камчиликлар ҳақида Буюртмачини хабардор қилиш;

Буюртмачи билан биргаликда ҳар чоракда камида бир марта объектнинг техникавий жиҳатдан мустаҳкамлигини, қўриқлашнинг техник воситалари билан таъминланишини, жумладан ёнғиндан қўриқлаш сигнализациясини текшириш кўригини ўтказиш, Буюртмачи томонидан аниқланган камчиликлар бартараф этиш муддатлари ҳамда Ижрочини бу ҳақда хабардор қилиш муддати ва тартибини кўрсатган ҳолда томонларнинг вакиллари иштирокида икки нусхада далолатнома тузиш;

ижрочи томонидан мазкур Шартнома талабларининг ҳар бир бузилиши бўйича Ижрочи ва Буюртмачининг вакиллари иштирокида икки нусхада далолатнома тузиш ва бир нусхасини Ижрочининг раҳбарига тегишли чоралар кўриш учун бериш;

қўриқланаётган хоналар бузилганлиги ёки мулкка етказилган зарар тўғрисида Миллий гвардия қўриқлаш хизмати навбатчилик қисмига ва буюртмачига зудлик билан хабар бериш, Миллий гвардия вакили етиб келгунига қадар ходиса юз берган жойни дахлсизлигини таъминлаш.

5-боб. Томонларнинг жавобгарлиги

17. Мазкур Шартноманинг 11-бандида кўрсатилган сумманинг Буюртмачи томонидан ўз вақтида тўлмаганлиги учун Буюртмачи Ижрочига ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорда, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.

18. Ижрочининг ходими постда ва патрул йўналишларида бўлмаганида Ижрочи Буюртмачига ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорда пеня тўлайди, бироқ бунда кўрсатилмаган хизматлар баҳосининг 50 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим.

19. Пеняни тўлаш Буюртмачи ва Ижрочини ўз мажбуриятларини бузиш оқибатида етказилган зарарни қоплашдан озод этмайди.

20. Ижрочи мазкур Шартнома кўрсатилган мажбуриятларини лозим даражада бажармаганлиги натижасида Буюртмачига етказилган зарар учун моддий жавобгар бўлади.

Ижрочининг айби билан зарар етказилганлиги аниқланган ҳолларда зарар тўлик миқдорда қопланади.

Ижрочининг айби билан етказилган зарарнинг миқдорини аниқлаш учун томонлар вакилларида иборат комиссия тузулиши мумкин. Бунда, зарар миқдори тегишли хужжатлар билан расмийлаштирилиб, комиссия аъзолари томонидан тасдиқланади. Низо мавжуд бўлган тақдирда зарар миқдори суднинг қарори билан аниқланади.

22. Қуйидаги ҳолларда Ижрочи зарарни қопламайди:

ижрочи шартномада кўрсатилган мажбуриятларни тўлиқ бажарган бўлишига қарамадан зарар учинчи шахсларнинг жиноий ҳаракатлари натижасида етазилган бўлса ва бу суднинг қонуний кучга кирган қарори билан тасдиқланса;

қабул қилиш-топшириш журналида қайд этилмаган мулкка зарар етказилганда;

буюртмачининг ходимлари томонидан ёки уларнинг айби билан зарар етказилганда.

23. Мазкур Шартномада кўрсатилган мажбуриятларини лозим даражада бажармаганлик учун белгиланган неустойка (жарима, пеня) тўлаш ҳамда зарарни қоплаш Томонларни Шартномада кўрсатилган мажбуриятларини бажаришдан озод этмайди.

6-боб. Низоларни ҳал қилиш тартиби

24. Мазкур шартномани тузиш, бажариш, ўзгартириш ва бекор қилиш вақтида тарафларни ўртасида келиб чиқадиган низолар, шунингдек етказилган зарарни қоплаш тўғрисидаги низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда иқтисодий суд томонидан кўриб чиқилади.

7-боб. Форс-мажор

25. Томонлар ушбу Шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаганлиги учун, агар ушбу бажармаслик Шартнома тузилгандан кейин пайдо бўлган, энгиб бўлмайдиган куч, яъни фавқулодда ва муайян шароитларда олдини олиб бўлмайдиган вазиятлар (форс-мажор) оқибати ҳисобланса, жавобгарликдан озод қилинади.

26. Энгиб бўлмайдиган куч ҳолатига ҳавола қилувчи Томон бошқа Томонни бундай ҳолатлар бошланганлиги ва тамом бўлганлиги тўғрисида икки кун ичида ёзма шаклда хабардор қилиши шарт. Ушбу муддат ичида хабар бермаган Томон мазкур Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажармаганлиги учун жавобгарликдан озод қилиш асоси сифатида кўрсатишга ҳақли эмас.

Форс-мажор ҳолатларига сув тошқинлари, ер кимираши ва бошқа табиий ҳалокатлар, шунингдек эпидемиялар, ёнғинлар, портлашлар, давлат ҳокимияти бошқаруви органларининг мазкур Шартнома ижросига бевосита таъсир кўрсатган қарорлари киради.

27. Мазкур Шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати энгиб бўлмас куч ҳолатлари амал қилган даврга мутаносиб равишда кечиктирилади. Агарда форс-мажор уч ой давом этса Томонлар мазкур Шартномани бир томонлама бекор қилишга ҳақли.

8-боб. Якуний қоидалар

28. Мазкур Шартнома имзоланган кундан бошлаб кучга киради.

Мазкур Шартнома бюджет ташкилотлари ёки бюджет маблағлари олувчилари билан тузилганда ғазначилик бўлинмаларида рўйхатдан ўтказилгандан сўнг кучга киради.

29. Мазкур Шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма шаклда тузилганда ҳамда Буюртмачи ва Ижрочининг вакиллари томонидан имзоланган тақдирда ҳақиқийдир.

Томонлар мазкур Шартномани ўзгартириш ёки бекор қилиш ҳақидаги таклифга иккинчи тарафдан рад жавоби олинганида кейингина ёки ўттиз кунлик муддатда жавоб олмагандан кейин, шартномани ўзгартириш ёки бекор қилиш тўғрисидаги талабни судга тақдим этиши мумкин.

30. Шартноманинг амал қилиш муддати қуйидагича белгиланади:

хўжалик юритувчи субъектлар бўйича-Томонлар тарафидан имзоланган кундан бошлаб Томонлар ўз мажбуриятларини тўлиқ бажарунига қадар;

бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчилари бўйича-белгиланган тартибда ғазначилик бўлинмаларида рўйхатдан ўтказилган кундан бошлаб йилнинг 31 декабрь куни охиригача.

Буюртмачи хўжалик юритувчи субъект бўлган тақдирда Буюртмачи мазкур Шартномани бекор қилиш ҳақида Ижрочига Шартнома муддати тугашидан 30 кун олдин

маълум қилмаса, мазкур Шартноманинг амал қилиш муддати худди шу муддатга ва худди шу шартларга узайтирилган ҳисобланади.

31. Агар техник кўриқлаш воситалари Буюртмачининг айби билан ишдан чиққан, капитал ёки жорий таъмирлашни талаб қилса, бироқ Буюртмачи буни рад этса, Ижрочи Буюртмачига етти кун олдин ёзма маълум қилган ҳолда алоҳида объектларни кўриқлашни рад этиши мумкин.

32. Буюртмачи кетма-кет уч ой давомида мазкур Шартноманинг 3.1-бандида кўрсатилган тўловни белгиланган муддатда тўламаса, Ижрочи томонидан белгиланган муддатларда янгитдан тасдиқланган тарифлар асосида тақдим этилган смета ҳисобларини тасдиқлашдан бош тортса, Ижрочи мазкур шартномани Буюртмачини ёзма равишда огоҳлантирган ҳолда бир томонлама бекор қилишга ҳақли.

33. Ижрочи кетма-кет уч марта пост ва патрул йўналишларида кўриқлаш тартибини бузса, Буюртмачи мазкур Шартномани Ижрочини ёзма равишда огоҳлантирган ҳолда бир томонлама бекор қилишга ҳақли.

34. Томонлар мазкур Шартномани муддатидан олдин бекор қилиш тўғрисида 60 кун олдин ёзма равишда маълум қилади.

35. Объектнинг хусусиятидан келиб чиқиб, Томонлар мазкур Шартномага қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳуқуқ ва мажбуриятларини назарда тутувчи қўшимча бандлар киритишлари мумкин.

9-боб. Томонларнинг юридик манзиллари ва реквизитлари

“ИЖРОЧИ”

«БУЮРТМАЧИ»

Ўзбекистон Республикаси Миллий
гвардияси Фарғона вилояти Кўриқлаш
бошқармаси
Юридик манзили: Фарғона шаҳар Оқсув
кўчаси 4-уй
Банк реквизитлари:
21596000900210137001
МФО-00026 СТИР: 200146674
ИФУТ: 80200
Марказий банк Фарғона шаҳар

Бувайда тумани Тиббиёт бирлашмаси
Манзил: Бувайда т-ни Келажак кўчаси 103-уй
Х/Р: 10002286030227073101054002.
МФО: 00014 ИНН: 200162370
Банк: Марказий банк Тошкент

“ИЖРОЧИ”

Бошқарма бошлиғи

“БУЮРТМАЧИ”


Тиббиёт бирлашма бошлиғи


Б.И. Мирзакамолов


Б.М. Мамажонов


Бошқарма бош юрисконсульти


Бош ҳисобчи



НАРХ КЕЛИШИШ БАЁННОМАСИ

Бувайда тумани Тиббиёт бирлашмаси

« 10 » « 01 » 2022 йил

№	Объектнинг Номи	Объект манзили	Кўриклаш тури	Ўрнатилган сигналлар сон	Кўриклаш соати			Бир йиллик кўриклаш соати	Бир ойлик кўриклаш соати	Кўриклаш нархи	
					Ишчи кун	Байрам олди кун	Байрам кунлар			1 соат учун	1 ой учун
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12
2	Тиббиёт бирлашмаси	Келажак кўчаси	СОҚЧИ ПОСТИ		16	16	16		486	16716	8 123 976
3.	Жами										8 123 976

Фарғона вилояти Кўриклаш бошқармаси бошлиғи

Б.И.Мирзакамолов

2022 йил « 10 »



Фарғона вилояти Кўриклаш бошқармаси МИБ бошлиғи

Ф.Ишанқулов

2022 йил « 10 »

Бувайда тумани Тиббиёт бирлашмаси бошлиғи

2022 йил « 10 »



Бувайда тумани Тиббиёт бирлашмаси бош хисобчиси

2022 йил « 10 »

YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN HUJJATLARIGA
MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA
XULOSA

1. **Loyiha turi va soni:** Shartnoma № 1498

2. **Loyihaning nomi:** Xizmat ko'rsatish

O'zbekiston Respublikasi Milliy gvardiyasi Farg'ona viloyati Qo'riqlash boshqarmasi bilan Buvayda tumani Tibbiyot birlashmasi o'rtasida tuman Tibbiyot birlashmasining kirish-chiqish eshigi oldida ishchi xizmatchilar va xizmat avtotransport vositalarini va fuqarolarni kirib chiqishini nazorat qilish ko'riqlash xizmatini ko'rsatish to'g'risida.


3. **Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot:**

Loyiha tuman Tibbiyot birlashmasi tomonidan 20.01.2022 yil kuni huquqiy ekspertizadan o'tkazish uchun yuborilgan.

Shartnoma loyihasi amaldagi qonunchilikka asosan ishlab chiqilgan va uning qabul qilish maqsadga muvofiq.

2022 yil 20 yanvar

Yuridik xizmat ko'rsatish
bosh yuriskonsulti



SH.V.Abduraximov